

Мустақиллик йилларининг “қатағон қурбонларини” хотирлашга чақириқ

🕒 31 Август 2015



🔗 Баҳам кўринг



Сиёсий маҳбусларнинг айримлари

Таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Мўътабар Тожибоева дохил бир қатор фаоллардан ташкил топган “Муқобил Ўзбекистон” Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон мустақиллиги йилларида «қатағон қурбонлари» хотирасини ёд этишга даъват қилди.

Кенгаш тарқатган хабарномада, Президент Каримов томонидан 2001 йилда имзоланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги фармони тилга олинади.

Айни фармондан иқтибос келтиришар экан, фаоллар “Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди” дейилганини эслатишган.

Ўзбекистон Фуқаролик жамияти вакилларида ташкил топган “Муқобил Ўзбекистон” Мувофиқлаштириш Кенгаши вакиллари 31 августдан бошлаб 8 декабр - Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг қабул қилинган кунга қадар “мамлакатда мустақиллик давридаги қатағон қурбонларини хотирлаш ва ҳимоялаш 100 кунлиги” кампаниясини бошлашга қарор қилганларини билдиришган.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сиёсий маҳбуслар борлиги ҳақидаги барча маълумотлар, даъволар ва хабарларни кескин рад қилиб келади.

Кузатувчилар, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нафақат ҳукумат танқидчилари, балки ўзгача ва ё мустақил фикрлайдиган юзлаб шахслар қамоққа ташланганини урғулашади.

Аксарият ҳолатларда бу каби қама-қамалар мамлакатга турфа “қора кучлар” хавф солиши билан изоҳланади.

Гарчанд, “қора кучлар” дейилганида Ўзбекистон ҳукумати Фарб давлатларига “диний экстремизм ва террорчиликни” тақдим қилишса ҳам, мамлакат қамоқхоналарига ташланганлар орасида журналистлар, ҳуқуқбонлар ва мустақил фикрдаги шахслар сони ҳам салмоқлидир.

“Муқобил Ўзбекистон” қамоқда қолаётган фаоллар тақдири борасида бонг урар экан, айни “репрессив сиёсатга қарши ‘йўқ’ деб жавоб беришга даъват қилади.

Кенгаш тарқатган мактубда, Фарб давлатлари “иккиюзламачилик” сиёсатини юритишда айбланади.



Мўътабар Тожибоева

Айни мактубда Ўзбекистонда қамоқда қолаётган ўнлаб сиёсий маҳбуслар ҳақида маълумот ҳам берилган.

Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp, Telegram ва Viber орқали боғланишни истасангиз, телефонимиз: +44 78-58-86-00-02.

Instagram – BBC UZBEK

Twitter – BBC UZBEK

Odnoklassniki – BBC UZBEK

Facebook- BBC UZBEK

Google+ BBC UZBEK

YouTube - BBCUZBEK (<https://www.youtube.com/user/bbcuzbek>)

Skype - bbcuzbekradio

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топарага қайтиш

Бу мавзуда батафсилроқ

Мурод Жўраевнинг муддати 2016 йил январигача узайтирилган

21 Июл 2015

Мўътабар Тожибоева "Жасорати учун" мукофотидан воз кечганини эълон қилди

Хьюман Райтс Уотч: Сиёсий маҳбуслар озод қилиниши керак

19 Декабр 2014

Махсус лойиҳа: Австралиядаги андижонлик: "Қарс икки қўлдан чиқади. Ҳақиқат қарор топишини истайман"

15 Май 2015

СРЖ: 'Сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжон жазо муддати узайтирилишидан ғазабдамиз'

Ойгул Бекжон: "Дадамни даҳлизнинг икки тарафига тизилган қўриқчилар таёқлар билан уришган"

26 Сентябр 2014

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



Жаҳон Чемпионати-2018: Ким ғалаба қилади? BBC News ўйини билан бир башорат қилиб кўринг



Москвадаги ўзбеклар: "Пулсиз қолдик, қарзга ботдик..."



Собиқ уйсиз дунёни очликдан қандай қутқармоқчи?



Дунёда мисли кўрилмаган тажриба: Ўзбекистон Орол денгизи тубини ўрмонга айлантarmoқда



Инглизча «дунёнинг сеvimли тили» бўлиб қола оладими?



Рўзанинг танамизга таъсирини биласизми?



Би-Би-Си охири замон ҳақида хабар берди(ми?)

Энг кўп ўқилган

- Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони **1**
- Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди **2**
- "Менинг исмим Жиҳод" **3**
- Машҳур Ислом воизи ва секс секта раҳбари Ҳорун Яҳё нега ҳибсга олинди? **4**
- Самарқанд ҳокими ва ечинтирилган аёл ўртасида қандай фарқ бор? **5**

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

News

Sport

Weather

Radio

[Foydalanish shartlari](#)

[BBC haqida](#)

[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[Cookies](#)

[Accessibility Help](#)

[Parental Guidance](#)

[Bi-bi-si bilan bog'laning](#)

[Get Personalised Newsletters](#)

[Биз билан реклама қилинг](#)

[Реклама танлови](#)

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas [Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir](#)